

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 28 апрель • №17 (1401)

2022 ЙИЛ–ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИНИ АҲОЛИГА ЯҚИНЛАШТИРИШ ВА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадрини учун” мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш ва фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан узок масофада жойлашган маҳаллаларда 2022 йил давомида маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев, А.Иноятов) Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон Фармони билан тасдиқланган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларни ташкил этиш жадвалига мувофиқ 2022 йилда 136 та янги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар ҳамда 2023 йилда яна 140 та янги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

3. Белгилансинки: оилавий шифокор пункт-

лари ва оилавий поликлиникалар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг асосланган таклифларига мувофиқ маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда ташкил қилинади;

худудларда оилавий шифокор пунктлари тармоғини янада кенгайтириш учун 2023 йил 1 январдан бошлаб жойлардаги оилавий поликлиника филиаллари негизда оилавий шифокор пунктлари ташкил этилади;

оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиника ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида кундузги стационар иш вақти соат 20:00 га қадар узайтирилади ҳамда уларда ишловчи тиббиёт ходимлари учун 2022 йил 1 июндан бошлаб қўшимча устама ҳақи белгиланади;

2022 йил 1 майдан бошлаб бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан олис масофада жойлашган маҳаллаларда маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилади;

аҳолининг профилактик тиббий кўриклари, скрининг дастурлар ва патронаж хизмати фақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ ва белгиланган муддатларда амалга оширилади, бошқа ташкилотларнинг ушбу жараёнга аралашувига йўл қўйилмайди.

4. 2022 йил 1 июлдан бошлаб олис ва чекка худудларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифокорлари учун “Қишлоқ шифокори” дастури такомиллаштирилсин. Бунда янгиланган “Қишлоқ шифокори” дастури доирасида:

олис ва чекка худудлардаги оилавий шифокор пунктлари

ва оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган барча шифокорлар ойлик иш ҳақида қўшимча 2 миллион сўм миқдорда ҳар ойлик устама белгиланади ҳамда уларга ипотека асосида уй-жой сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизгача қисми, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баробаридан ошмаган миқдорда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватланади;

олис ва чекка худудларда узлуksиз уч йил ишлаган шифокорлар клиник ординатурага тест синовларисиз қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалардаги шифокорларга бўлган талабни маҳаллалар кесимида аниқлаш, шифокорларни жалб

Давоми 2-бетда →

ФИДОЙИЛИК

• Андижон вилояти

УКА АКАСИГА БУЙРАГИНИ БЕРДИ

Андижонда илк бор мураккаб буйрак кўчириб ўтказиш жарроҳлик амалиёти ўтказилди

Ўзбекистонда буйрак кўчириб ўтказиш, жигар ва ўзак хужайра амалиётлари кенгайиб бормоқда. Сўнгги йилларда ана шундай операциялар муваффақиятли бажарилди. Самарқанд, Наманган, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган трансплантация амалиётлари бугун илк бор Андижонда ҳам амалга оширилди.



Мазкур операция Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлимида Республика ихтисослаштирилган

хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Саидмурод Исмоилов раҳбарлигида гуруҳ ҳамда андижонлик малакали шифокорлар ҳамкорлигида амалга оширилди. Бемор Андижон вилояти Шахрихон туманида яшовчи Бекзодбек Ҳасановга ўз укаси Имомали буйрагини бериб донорлик қилди. Тиббиёт фанлари доктори Фазлиддин Баҳриддинов бошчилигидаги докторлар бригадаси ҳамда андижонлик малакали шифокорлар ҳамкорлигида икки босқичли операция бир вақтнинг ўзида ўтказилди, яъни укадан соғлом буйрак олиниб, акасининг касалланган ва ўз вазифасини бажармаётган буйраги ўрнига қўйилди. “Тошкентдан келган



малакали шифокорлар билан андижонлик шифокорларнинг елкама-елка туриб мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказётгани биз учун қувонарли. Мутахассисларимизга мазкур операция маҳорат дарси вазифасини ўтаб берди. Ўйлай-

мизки, вилоятимизда тез кунларда мана шундай мураккаб операцияларни амалга оширишни бошлаймиз”, дейди Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлими бошлиғи Нуриддин Усмонов.

Элмурод ЭРМАТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИБИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИНИ АҲОЛИГА
ЯҚИНЛАШТИРИШ ВА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда

этиш ва эҳтиёжга кўра келгусида уларга уй-жой ажратиш чораларини кўрсин.

Вазирлар Маҳкамаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда янги-ланган олис ва чекка ҳудудлар рўйхатини тасдиқласин.

5. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб шифокорларнинг якка тартибда оилавий шифокорлик фаолиятини юритишга рухсат берилсин.

Белгилансинки:

якка тартибда оилавий шифокорлик фаолиятини юритиш учун алоҳида тиббиёт муассасаси очиш талаб этилмайди ва ушбу тоифадаги шифокорларга ўз уйида ёки ижарага олинган бинода тиббий хизматлар кўрсатишга рухсат берилади;

якка тартибдаги оилавий шифокорларга ўзига бириктирилган аҳолига бепул кўрсатилаётган хизматлар учун тўлов Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси орқали берилади;

якка тартибда оилавий шифокорлик фаолиятини юритиш тажрибаси дастлаб 2022 йил якунига қадар Сирдарё вилоятида, кейинчалик эса босқичма-босқич бошқа ҳудудларда жорий этилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда уч ой муддатда якка тартибдаги оилавий шифокорлик фаолиятини юритиш талаблари ва унинг фаолиятини молиялаштириш тартибини тасдиқласин ҳамда амалиётга жорий қилсин.

6. Туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий хизмат турларидан ташқари хизмат турларини пуллик асосда ташкил этишга рухсат берилсин.

Белгилансинки, пуллик хизматлардан келиб тушган маблағларнинг 75 фоизгача бўлган қисми туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг тиббиёт ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

7. 2022 йил 1 августдан бошлаб оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини баҳолаш бўйича янги рейтинг тизими жорий қилинсин. Бунда:

худудда ортиқча вазндан халос бўлиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя

этиш, жисмоний фаолликни ошириш, инфаркт, инсулт, қандли диабет, онкология каби касалликларнинг олдини олиш бўйича кўрсаткичлар асосий мезонлар бўлади;

ҳар олти ойда ижобий кўрсаткичларга эришган тиббиёт ходимлари рағбатлантирилади ҳамда энг яхши натижа кўрсатган тиббиёт муассасаси мукофот ва кимматбахо совғалар билан тақдирланади;

ушбу тизим 2022 йилда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 11 та ҳамда Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги 12 та оилавий шифокор пункти ва оилавий поликлиникаларда, 2023 йилдан бошлаб босқичма-босқич барча ҳудудларда жорий этилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда уч ой муддатда ҳар бир ҳудуд аҳолисининг тиббиёт кўрсаткичларидан келиб чиқиб, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини баҳолаш бўйича янги рейтинг тизимини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий қилсин.

8. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб тиббиёт тизими раҳбарларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериш тартиби жорий қилинсин.

Белгилансинки:

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаси, оилавий поликлиникалар ҳамда оилавий шифокор пунктлари мудирлари маҳалла фуқаролар йиғинларида;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида;

вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари халқ депутатлари вилоят Кенгашларида ҳисобот беради.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (О.Фозилкаримов) 2022 йил 1 октябрга қадар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидаги тиббий жиҳозларни хатловдан ўтказсин.

Бунда:

носоз тиббий жиҳозларни аниқлаб, уларни соз ҳолатга келтириш ёки янчисига алмаштириш учун зарур маблағларни ҳисоб-китоб қилиш;

Соғлиқни сақлаш соҳаси учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тиббий жиҳозлар ҳисобини

ва назоратини юритиш бўйича электрон дастур (платформа)ни 2022 йилда Сирдарё вилоятида тажриба тариқасида жорий этиш ҳамда тажриба натижалари бўйича 2023 йилдан бошқа ҳудудларга босқичма-босқич татбиқ этиш чораларини кўрсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) хатлов натижасидан келиб чиқиб, тиббий жиҳозларни (физиотерапевтик, лаборатор, текширув ва бошқалар) соз ҳолатга келтириш ёки янгилаш учун зарур маблағларни ажратиш бўйича тақлиф киритсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев):

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда 2022 йил 1 ноябрга қадар давлат томонидан аҳолига бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва бериладиган дори воситалари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш имконини берувчи мобил иловани яратсин ва амалиётга жорий қилсин;

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда 2022 йил якунига қадар Андижон, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги тиббиёт олий таълим муассасалари клиникаларининг нейрохирургия бўлимлари негизда юридик мақомга эга бўлмаган ҳудудлараро нейрохирургик марказларни ташкил этсин.

11. Ўз маҳалласида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилган, шахсий намуна кўрсатган тиббиёт ходимлари ва жамоатчилик вакиллари учун “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони таъсис этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) икки ой муддатда “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 июндан бошлаб қон билан бевосита ишлаётган давлат тиббиёт муассасалари ходимларини гепатит “В” касаллигига қарши бепул эмлаш амалиёти жорий этилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирни амалга оши-

риш учун зарур маблағларнинг Давлат бюджети ҳисобидан ажратилишини таъминласин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси (Ф.Шарипов) билан биргаликда ҳар йили 1 000 нафаргача имтиёзга эга бўлмаган, узок йиллар давомида давлат тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган бемор тиббиёт ходимларига Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси маблағлари ҳисобидан юқори технологик операцияларни ўтказиш амалиётини йўлга қўйсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси (Ф.Шарипов) икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган тиббиёт ходимларини даволашга юбориш тартибини тасдиқласин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш. Иноятов, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари О.Р. Фозилкаримов, Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ижро этувчи директори Ф.Р. Шарипов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 25 апрель

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ

ШИФОКОРЛАР УЧУН ҚАТОР ИМТИЁЗЛАР БЕЛГИЛАНДИ

“Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қароридан 2022 йил 1 июндан бошлаб олис ва чекка ҳудудларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифокорлари учун янги-ланган “Қишлоқ шифокори” дастури қабул қилиниши белгиланди.

Унга кўра, олис ва чекка белгиланади ҳамда уларга ипотека асосида уй-жой сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизгача қисми базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баробаридан ошмаган миқдорда маҳаллий бюджет маблағлари

• Оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган барча шифокорлар ойлик иш ҳақига қўшимча 2 миллион сўм миқдорда ойлик устама

ҳисобидан қоплаб берилади.

• Узлуксиз уч йил ишлаган шифокорлар клиник ординатурага тест синовларисиз қабул қилинади.

• Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун янги-ланган олис ва чекка ҳудудлар рўйхати тасдиқланади.

Худудий ҳокимият органларига оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалардаги шифокорларга бўлган талабни маҳалла кесимида аниқлаш, шифокорларни жалб этиш ва эҳтиёжга кўра келгусида уларга уй-жой ажратиш вазифаси юкланди.

• 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб

шифокорларнинг якка тартибда оилавий шифокорлик фаолиятини юритишига рухсат берилади.

Улар учун алоҳида тиббиёт муассасаси очиш талаб этилмайди ва ушбу тоифадаги шифокорларга ўз уйида ёки ижарага олинган бинода тиббий хизматлар кўрсатишга рухсат берилади. Бундай шифокорлар томонидан ўзига бириктирилган аҳолига бепул кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси орқали берилади.

• Якка тартибда оилавий шифокорлик фаолиятини юритиш тажри-



баси дастлаб 2022 йил якунига қадар Сирдарё вилоятида, кейинчалик эса босқичма-босқич бошқа ҳудудларда жорий этилади.

@ssvuz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ2022-2026 ЙИЛЛАРДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, перинатал марказларни зарур тиббий техника ва буюмлар билан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш вазифаси белгиланди. Сўнгги беш йил давомида амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат оналик ва болаликни тизимли равишда муҳофаза қилиш имконини яратди, натижада оналар ва гўдаклар ўлимнинг камайишига эришилди. Шу билан бирга, олис ҳудудларда тиббий ёрдамни мақсадли йўналтириш

тизимини юқори даражада ташкил этиш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг самарадорлигини ошириш, амбулатор ёрдамни янада яхшилаш, шошилиш ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш, тиббий генетика ҳамда замонавий скрининг дастурларини жорий этиш талаб этилмоқда. Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, шунингдек, 2022 йил 18 март кунини ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадрини учун” мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

лик, оналик ва болалик масалалари бўйича” республика штаби, 14 та ҳудудий штатлар фаолиятини йўлга қўйсин.

Ҳудудларда аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат фаолиятини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда ижросини назорат қилиш штабнинг асосий вазифалари ҳисоблансин.

7. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази ҳудудида илик кўчириш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида 2022 йилда янги махсус амалиёт комплексининг биносини қуриш ва жиҳозлаш учун Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга қўмаклашиш жамғармасидан зарур маблағ ажратилсин.

2022 йил 1 майдан бошлаб Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида даволанаётган бемор болаларга қаровчи шахслар (ота-она ва бошқалар) учун бепул овқатланиш йўлга қўйилсин.

8. Молия вазирлиги ушбу қарорда кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун ҳар йили Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.Вафаев) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда 2022-2025 йиллар давомида 227 та туғуруқ комплекси ва 46 та туманларо перинатал марказларни тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг грант ва кредит маблағларини жалб қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

12. Ушбу қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

13. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 25 апрель

1. Куйидагилар 2022-2026 йилларда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

а) соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлинида оналар ва болалар ўртасида касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва соғломлаштириш дастурларини амалиётга жорий этиш, шу жумладан:

соғлом фарзанд туғилиши, ривожланиши ва тарбияси масалалари бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш, тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаолликни оширишни тарғиб этиш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш;

болалар, ҳомиладор ҳамда эмизикли аёлларни витамин ва минераллар билан бепул таъминлаш ҳамда мақсадли скрининг тадбирлари орқали касалликларнинг самарали профилактикасини олиб бориш;

б) 2022-2026 йилларда оналар ва болалар учун тиббий хизмат кўрсатиладиган объектларни реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

в) диагностика ва даволашнинг юқори технологияли ҳамда инновацион усулларини амалиётга жорий этиш ҳамда соҳа ходимларининг илмий салоҳиятини мунтазам ошириб бориш.

2. 2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

қуйидагиларни:

Нукус шаҳрида “Болалар тиббиёт кластери”;

янгидан ташкил этилаётган 46 та туманларо перинатал марказларда чақалоқлар реанимацияси бўлими;

2022 йил 1 майдан бошлаб туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, шунингдек, Тошкент шаҳри оилавий поликлиникаларида болалар бўлими;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида амалдаги штат бирликлари доирасида болалар анестезиология-реанимация бўлими ҳамда кечаю кундуз шошилиш тиббий ёрдам кўрсатувчи педиатрия постлари;

Республика ихтисослаштирилган пе-

диатрия илмий-амалий тиббиёт марказида болаларда ирсий-генетик, шу жумладан, орфан касалликларга барвақт ташхис қўйиш бўйича Референс лаборатория ва ҳудудларда унинг 17 та минтақавий лабораторияларини ташкил этиш;

Республика перинатал маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар перинатал марказлари ва болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида 2022-2023 йилларда жами 29 та шошилиш перинатал ҳамда шошилиш педиатрик мобил навбатчи реанимацион бригадалар фаолиятини йўлга қўйиш;

янги туғилган чақалоқларда эшитиш нуқсонларини эрта аниқлашга қаратилган аудиоскрининг тадбирларини Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва ҳудудлардаги барча туғуруқ комплексларида татбиқ этиш;

аудиоскрининг тадбирлари натижаларини таҳлил қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган электрон кузатув (трекинг) марказларини жиҳозлаш.

Белгилансинки:

а) Нукус шаҳридаги “Болалар тиббиёт кластери” Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази биносини янгидан қуриш орқали ташкил этилади.

Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Қорақалпоғистон тиббиёт институти клиникаси ва Болалар стоматология поликлиникаси “Болалар тиббиёт кластери” таркибига киритилиб, ягона бошқарув йўлга қўйилади;

“Болалар тиббиёт кластери” биноси 2023 йил якунига қадар фойдаланишга топширилади;

б) 46 та туманларо перинатал марказларда 6 ўриндан кам бўлмаган чақалоқлар реанимацияси бўлими қўшимча штат бирликлари ажратиш ҳисобидан ташкил этилади;

в) туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, шунингдек, Тошкент шаҳар оилавий поликлиникаларида ташкил этиладиган болалар бўлими мавжуд штат бирликлари доирасида шакллантирилади ва унда педиатрия йўналиши бўйича барча тор соҳа мутахассислари, мактаб ўқувчиларига хизмат кўрсатиш учун шифокор-педиатрлар, болалар шифокор-гинекологи, тегишли ўрта тиббиёт ходимлари, вак-

цинация хонаси ходимлари, “тиббиёт бригадалари”даги педиатрия ҳамширалари фаолият юритади;

г) шошилиш перинатал ҳамда шошилиш педиатрик мобил навбатчи реанимацион бригадалар фаолиятини йўлга қўйиш учун кечаю кундуз фаолият юритадиган қўшимча навбатчилик постлари ташкил этилади.

4. Оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан болалар ҳамда ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларни янада сифатли тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олиш учун 2022 йил 1 июлдан бошлаб “тиббиёт бригадалари” таркибига қўшимча 3 600 та, 2023 йил 1 январдан бошлаб яна қўшимча 4 900 та ўрта тиббиёт ходимлари (педиатрия ҳамшираси ва доя) штатлари ажратилсин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда икки ой муддатда оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари тизимига қўшилиши кўзда тутилган янги штатлардан келиб чиқиб, штат меъёрларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва қўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ-4513-сон қарори билан ташкил этилган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш кенгаши (А.Н. Арипов):

оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ҳамда чора-тадбирларнинг бажарилишини доимий назорат қилсин;

ҳар чоракда амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар бир вилоят, туман (шаҳар) кесимида маълумот тақдим этиб борсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда “Репродуктив саломат-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И**СПИНАЛ МУШАК АТРОФИЯСИ ТАШХИСИ ҚЎЙИЛГАН
БЕМОР БОЛАЛАРГА ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ
ВА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ БЕПУЛ ЕТКАЗИБ БЕРИШ
ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислохотлар – инсон кадри учун” мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болалар давлат томонидан тиббий-ижтимоий ёрдам доирасида патогенетик дорилар, тиббий ва ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация техник воситалари билан кафолатли таъминланади;

спинал мушак атрофияси касаллиги бўйича хавф гуруҳидаги хомиладор аёллар Республика “Она ва бола скрининг” маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий марказларида, шунингдек, ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази қошида ташкил этилаётган замонавий молекуляр-генетик Миллий референс лабораторияси ва унинг ҳудудий филиалларида дастлабки ҳамда келгусида уни даволаш стратегиясини белгилаш мақсадида бепул диагностикадан ўтказилади. Бунда, хомиладор аёллар яшаш жойи бўйича кўп тармоқли марказий поликлиникалар таркибидаги “Аёллар маслаҳатхонаси бўлими” йўлланмалари асосида юборилади.

2. 2022 йил 1 июлдан бошлаб спинал мушак атрофияси клиник диагнозига эга бўлган оилаларнинг Ягона миллий регистри (кейинги ўринда – Ягона миллий регистр) юритилади ва оилаларнинг клиник ҳамда молекуляр-генетик диагностикасидан келиб чиқиб шакллантириб борилади.

Белгилансинки, Ягона миллий регистр Республика “Она ва бола скрининг” маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий марказларида ўзаро электрон маълумот алмашишуви асосида юритилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) 2022 йил 1 июлга қадар:

а) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) билан биргаликда Ягона миллий регистрнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқсин.

Бунда, спинал мушак атрофияси клиник аломатларига эга бўлган болалар, уларнинг клиник ташхислари, клиник ташхиснинг молекуляр-генетик усуллари билан тасдиқланган ҳулосалари, оила аъзоларининг ген ташувчилиги тасдиқланганлар ҳамда ушбу касаллик билан туғилишининг олдини олишга қаратилган чоралар бўйича маълумотлар электрон базаси юритилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ягона миллий регистрнинг самарали юритилиши учун Республика “Она ва бола скрининг” маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий марказларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан компьютер техникаси ва Интернет алоқаси билан таъминласин;

в) Республика “Она ва бола скрининг” маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий марказлари ходимларида Ягона миллий регистрнинг дастурий таъминотида ишлаш кўникмасини ҳосил қилиши мақсадида ўқув-амалий курсларни ташкил қилсин.

3. Белгилансинки, 2023 йил 1 июлдан бошлаб никоҳланувчи шахслар ўз ҳисобидан Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий марказларига ташриф буюриш орқали Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг лабораториясида молекуляр-генетик тестдан ўтказилади.

Бунда, спинал мушак атрофиясининг ген ташувчилиги тасдиқланган никоҳланувчи шахсларнинг маълумотлари Ягона миллий регистрга киритиб борилади.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Турдиев) билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар никоҳланувчи шахсларни молекуляр-генетик тестдан ҳамда хомиладор аёллардан молекуляр-генетик диагностика учун олинган биоматериални лаборатор текширувдан ўтказиш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни даволаш, уларнинг муолажаларини кузатиб бориш мақсадида шифокорлар консилиумларини ташкил этиш бўйича юқори малакали мутахассислардан иборат доимий фаолият кўрсатувчи гуруҳ тузилади.

5. 2022 йил 1 майдан бошлаб спинал мушак атрофияси касаллиги ташхиси тасдиқланган бемор болалар учун:

У.К. Курбонов номидаги Республика болалар рухий-асаб касалликлари шифохонасида респиратор қўллаб-қувватлаш талаб этилмаган даволанувчи болаларнинг реабилитацияси учун мавжуд ўринлар сони доирасида 10 та стационар ўрин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида мультидисциплинар (невролог, педиатр, реаниматолог, пульмонолог, ортопед, хирург) текширув ва даволаш (оператив контрактуралар ва суяк деформацияларини тўғрилаш) жараёни ташкил этилсин.

6. Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни даволаш учун маблағларни жамлаш, шу жумладан, хайрия ва хомилик маблағларини жалб қилиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринда – Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни дори воситалари билан даволаш, тиббий, реабилитацион, паллиатив, шу жумладан, юқори технологик ихтисослашган амалиёт тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.Баситханова) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарма фаолиятини тўлиқ йўлга қўйсин.

7. Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларнинг патогенетик терапияси учун зарур дори воситаларининг хариди Давлат бюджети ҳамда Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда, ушбу мақсадлар учун 2022 йилда Давлат бюджети ҳисобидан қўшимча 85 миллиард сўм ҳамда Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга қўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 30 миллиард сўм ажратилади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (О.Фозилкаримов) икки ой муддатда спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларнинг патогенетик терапияси учун зарур дори воситалари харидини ташкил қилсин.

Бунда, дори воситаларини Республика “Она ва бола скрининг” маркази

ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий марказлари томонидан беморларга етказиш тизими жорий этилади.

Соғлиқни сақлаш вазири (Б.Мусаев) дори воситалари харидини ташкил қилиш ва уларнинг беморларга ўз вақтида, мақсадли ва манзилли етказиб берилишига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

9. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков):

бир ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларга уларнинг уй шароитида даволаниши учун зарур бўлган реабилитация техник воситалари рўйхатини тузсин. Бунда, махсус тренажёрлар, вертикализаторлар, ортопедик кресло-коляскалар, корсетлар, тугор ва ортезлар, пульсоксиметрлар, Амбу қопчалари, тиббий аспираторлар, ВІРАР аппаратлари, кислород концентраторлари, трахеостомалар, гастростомалар ва бошқа воситалар инобатга олинсин;

2022 йил 1 июнга қадар спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган уй шароитида даволанаётган бемор болаларни реабилитация техник воситалари билан таъминлаш ва уларга мазкур воситаларни бепул ижарага бериш тизимини назарда тутувчи норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б. А. Мусаев ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А. К. Инаков белгилансин.

12. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л. Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 25 апрель

• Самарқанд давлат тиббиёт университети фаолиятдан •

ИЧКИ ТИББИЁТДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Самарқанд давлат тиббиёт университетида «Соғлиқни сақлашда инновацион технологиялар: ички тиббиёт учун янги имкониятлар» халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.



Анжуман таникли шифокор, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими», «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби, 1-сонли клиника бош шифокори лавозимида самарали меҳнат қилган Нурмаат Абдуллаевич Абдуллаев хотирасига бағишланди.

Халқаро илмий-амалий конференцияда Россия, Беларусь, Тожикистон, Қозоғистон,

Қирғизистон, Грузия ва Ўзбекистоннинг етакчи тиббиёт олий ўқув юртлири, илмий-текшириш марказларининг раҳбарлари ва олимлар иштирок этди. Анжуманда кўп йиллар давомида университетнинг даволаш ишлари бўйича проректори ва 1-сонли клиника бош шифокори лавозимида самарали меҳнат қилган Нурмаат Абдуллаев барельефини тан-

танали равишда очилиш маросими ўтказилди. Нутқ сўзлаганлар марҳумни юксак инсоний ва раҳбарлик фазилатлари, соғлиқни сақлаш тизимида ишлаш жараёнидаги кўрсатган фидойилиги, минглаб беморларни дардига малҳам бўлганлигини таъкидладилар.

Халқаро анжуманнинг очилишида Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори Жасур Ризаев, профессор Азамат Шамсиев, Саратов давлат тиббиёт университети ректори Андрей Еремин (Россия), Остана тиббиёт университети ректори Камалжон Надилов (Қозоғистон), Рязан давлат тиббиёт университети ректори Роман Калинин (Россия), Ижевск давлат тиббиёт академияси ректори Алексей Шкляев (Россия), Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Хуршид Фозиловлар сўзга чиқиб, ички тиббиётнинг аҳамияти, ҳозирги кундаги ривожланишининг устувор йўналишлари ҳамда халқаро алоқалар



аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдиришди. Ялпи мажлисдан сўнг халқаро анжуманнинг иши 7 та шўъба йиғилишларида давом этди. Уларда кардиологик касалликларнинг диагностикаси ва даволашда инновацион технологиялар, пульмонологиянинг дол-

зарб масалалари, гастроэнтерология, ревматология, нефрология, эндокринология ва гематологияда кузатилаётган муаммолар ҳамда ёш тадқиқотчиларнинг илмий-тадқиқот натижаларига бағишланган 120дан ортиқ маърузалар тингланди ва тегишли йўналишлардаги ютуқлар кенг муҳокама қилинди.

Самарқанд давлат тиббиёт университети томонидан ўтказилган халқаро конференция республика ва минтақамизда ички тиббиёт соҳасини ривожлантириш, фундаментал ва клиник фанларни ўқитиш сифатини янада ошириш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш ҳамда республикамиз тиббиёт олийгоҳлари ва илмий текшириш марказлари халқаро алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ПИТТСБУРГ (АҚШ) УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Самарқанд давлат тиббиёт университетининг ректори Жасур Ризаев бошчилигидаги делегацияси АҚШнинг Питтсбург университетига расмий таширфни амалга оширди



Самарқанд давлат тиббиёт университети ахборот хизмати хабарига кўра, таширф давомида Ўзбекистон делегация

университетнинг Тиббиёт мактаби (факультети) маъмурияти билан учрашув ўтказиб, унда ҳамкорликнинг барча қирра-

лари бўйича амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Шу билан бирга таширф давомида Питтсбург университетининг симуляция маркази ҳамда ўқув жараёнида стандартизацияланган беморларни тайёрлов маркази фаолияти ўрганилди. Бундан ташқари онлайн ва анъанавий ўқув машғулотларининг ташкил этилиш жараёни билан танишилди. 2022 йил давомида Питтсбург университетининг Тиббиёт мактабининг моддий техник базаси ва олий тиббий таълим

дустурларини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар режалаштирилган. Университетнинг тиббиёт йўналишлари бўйича бош маслаҳатчиси профессор Анантха Шехар мазкур йўналишда ҳамда университетнинг фундаментал тадқиқотлар маркази фаолияти юзасидан батафсил маълумот берди. Ўтказилган му-

зокаралар якунида Самарқанд давлат тиббиёт университети ва Питтсбург университети ўртасида академик мобиллик, илмий йўналишларда алмашинув дастурлар ҳамда моддий техник базаларни ривожлантириш соҳаларида қатор ҳамкорликларни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Питтсбург университети ўзининг тиббий ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги таълим дастурлари ва олиб борилаётган илмий тадқиқотлари юқори сифат даражада ташкил этилганлиги сабабли жаҳоннинг Топ-200 университетлари қаторига қиради.

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ


Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университетида Россия фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Г. Баировнинг 100 йиллик юбилейига бағишланган 28-Бутунроссия «Болалар хирургияси анестезиология ва реаниматологиясининг долзарб масалалари» мавзусида талабалар илмий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Самарқанд давлат тиббиёт университети талабалари ҳам иштирок этди. Анжуман ишида талабаларнинг абдоминал хирургия, болалар урологияси ва андрологияси, торакал хирургия, чақалоқлар хирургияси, травматология ва ор-

топедия, болалар хирургиясининг хусусий масалалари, қизикарли клиник вазиятлар ва экспериментал хирургия йўналишлари бўйича маърузалари тингланди ва танлов асосида баҳоланди.

Баҳолаш натижаларига кўра,

Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-болалар хирургияси кафедраси талабалари жамоаси 1-ўринни эгаллади ҳамда конференциянинг олтин медали, I даражали дипломи билан тақдирланди.



• Самарқанд давлат тиббиёт университети ахборот хизмати •

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ЁРҚИН СИЙМОСИ ҚАЛБИМИЗДА БАРҲАЁТДИР!

Дунёда шундай инсонлар борки, ўзлари сезмаган ҳолда келажак учун ўчмас из ва бебаҳо маънавий бойлик қолдирадilar. Ўзбекистон тиббиётининг таниқли даргаларидан бири, Миржалилов Кўчқор Жалоловични тиббиёт ходимлари, айниқса, кекса ва ўрта авлод вакиллари яхши билишади, унинг номини фахр ва ифтихор билан тилга олишади.

Чунки, устоз уларнинг ҳар бирига қўлидан келган яхшилиқни қилиб, кўнгилларига эзгулик уруғини сочган ажойиб инсон эди. У ўзининг кўп йиллик меҳнатлари билан халқимиз саломамлиги йўлида беминнат хизмат қилиб келган, тиббиёт ривожига муносиб ҳиссасини қўшган буюк шифокордир. Кўчқор Миржалилов 1931 йилда Тошкент вилояти, Ўрта чирчик тумани, Ўрта сарой маҳалласида дунёга келган. 1958 йил Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини аъло баҳолар билан тамомлагач, 1958-1959 йилларда ҳозирги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида (собиқ Бутун иттифоқ кўкрак хирургияси илмий маркази) ординатура фаолиятини бошлади. 1959 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғи асосида Красногорск қўрғонида жойлашган 22-сон шифохонасига ишга юборилди. Унинг соғлиқни сақлаш муассасаларида қилган хизмати бекиёсдир. Бу инсоннинг саъи-ҳаракати билан минглаб беморлар ҳаётга қайтган. Ўзи қандай қийинчиликларда яшаб, ишлаётганига қарамай,

беморлар учун кўрсатган фидойилигини ҳақиқий қаҳрамонлик деса бўлади. 1961 йили Оҳангарон туман марказий шифохонасига жарроҳ-шифокор вази фасига ишга қабул қилинган, ҳамда шу йилнинг ўзида жарроҳлик бўлими мудир этиб, сўнгра марказий шифохонага бош врач этиб тайинланади. Ўз фаолияти давомида Оҳангарон туманида соғлиқни сақлаш тизимида яхши натижаларга эриша олди. Унинг Оҳангарон тумани тиббиётини ривожлантиришда хизматлари ниҳоятда қатъидир. Тажрибали олимнинг қаерда ва қандай лавозимда ишлашдан қатъи назар, унинг ниҳоятда меҳнатқаш, ҳалол, ҳамда адолатли, ҳамиша изланувчан, ташаббускор, талабчан, қатъиятли асосийси мохир жарроҳ эканлиги таъкидлаб келинган. У ўзининг асосий куч-қуввати, эътибори, илмий салоҳияти ва ташкилотчилик қобилияти билан тиббиёт, айниқса, жарроҳликнинг ҳал этилмаган, энг долзарб муаммоларини ўрганди. 1969 йили Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи билан Кўчқор Миржалилов Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмасига бош врач этиб тайинланади ва 1971 йилдан яна Оҳангарон туман марказий

шифохонасига бош врач лавозимига ўтказилади. Бу даврда Оҳангарон туманида тиббиётни ривожлантириш, аҳоли саломатлигини сақлаш, даволаш-профилактика моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борган ҳаракатлар самарали бўлди. Шунингдек, 1973 йил Оҳангарон туман марказий шифохонасининг 4 қаватли асосий биноси ва ёрдамчи бўлимлари янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ишларда ҳам устоз шифокорнинг хизматлари бекиёсдир. Кўчқор Миржалилов 1974 йили Тошкент шаҳар авиасозлар тиббий санитария қисмига раҳбар этиб тайинланади ва умрининг охиригача мазкур лавозимда фаолият юритиб келди.

Кўчқор Миржалилов ўзининг меҳнат фаолияти давомида соғлиқни сақлаш тизимида эришган ютуқлари учун давлатимизнинг бир қатор орден ва медаллари билан тақдирланган. Оҳангарон шаҳар Халқ депутатлари кенгаши 11-округига депутат этиб сайланган. Унинг эл-юрт олдидаги кўп йиллик самарали меҳнати, илмий-амалий ходимларни етиштиришдаги фидокорона хизматлари ўз вақтида муносиб тақдир-

У босиб ўтган шарафли йўл, ҳаёт ва илм-фан сўқмоқларидан минглаб шогирдлари, ҳамкасблари боришаётганлиги дилга таскин бериб, унинг барҳаётлигини яна бир бор бизга эслатиб туради.

Орзухон ЛАТИПОВА,
Аҳолини соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази Тошкент вилояти бўлими бош мутахассиси.



ланган. Забардаст олим, ташкилотчи, мохир устоз ҳамда мураббий, таниқли давлат ва жамоат арбоби Миржалилов Кўчқор Жалолович орамизда бўлма-сада, унинг эл-юрт тинчлиги, аҳоли саломатлигини сақлашда, Ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатлари, софдил ва самимийлиги ҳамда ёрқин сиймоси қалбимизда барҳаётдир.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКISTONDA ЯНГИЧА ТИББИЙ ЙўНАЛИШ

Суғурталаш тизимида ҳар бир фуқаронинг саломатлиги давлат ҳисобидан суғурталанади. Бунда аҳоли пул тўламайди ва давлат тиббий хизматни бепул қафолатлайди, яъни тиббий хизмат харажатлари Давлат бюджетидан қопланади. Мақсад аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат сифати ва қўламини янада ошириш.

Касалликларни эрта аниқлаш натижасида аҳолининг ўртacha умр кўриш даражасини узайтириш. Қолаверса, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси, дори-дармон билан таъминланиши сезиларли даражада яхшиланади. Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Сирдарё вилоятида тажриба-синов тарикасида давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат тиббий суғуртаси механизмлари уч босқичда амалга оширилади. Ҳозирда Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги барча тиббиёт муассасаларида, 2023 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий, Сурхон-

дарё ҳамда Фарғона вилоятларида, 2025 йилда эса юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олади. Айни вақтда Қашқадарёдаги нодавлат тиббиёт муассасаси билан шартнома тузилди. Шунингдек, Сирдарё вилоятида давлат тиббий суғуртаси тизимини тажриба-синов тарикасида жорий этиш концепцияси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилган. Сирдарё вилоятида тажриба-синов тарикасида бошланган ишлар билан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида яқинда Гулистон шаҳрида амалий семинар бўлиб ўтди. Семинар кўргазмали, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Иштирокчилар Гулистон шаҳридаги 4-сонли оилавий поликлиникада бўлиб, миждозларнинг электрон базасини яратиш, патронаж тизими, шифокор кўрув олди хо-

насининг жиҳозланиши, тиббий бригада, амалиётчи ҳамширанинг вазифаси, электрон навбатларни жорий қилиш, йўлланма бериш тартиби каби ишлар билан яқиндан танишишди. Шундан кейин Гулистон тиббиёт кластерида ҳам бўлиб, кластернинг афзаллик томонлари ва таркибий қисмлари тўғрисида атрофлича маълумот олишди. Қайд этиш керакки, Сирдарё вилоятида Концепцияда кўрсатилган ҳар бир тадбир ўз вақтида амалга оширилмоқда. Тизим яратилган, режа бўйича ишлар кетяпти. Суғурта механизми билан вилоятнинг барча даволаш-профилактика муассасалари қамраб олинган. Ўтган давр мобайнида тиббиёт ходимлари ва аҳоли орасида кенг қамровли тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилган. Аҳолининг суғурта тизими бўйича хабардорлик даражаси ортган. Суғурта тизимини жорий қилишда тиббиёт бригадаларининг роли бекиёс. Шу тиббиёт бригадалари воситасида аҳоли рўйхатга олинади, соғлиқ кўрсаткичлари баҳоланади, зарур тиббий маслаҳатлар берилади, саломатлик кўрсаткичига кўра кейинги босқич – туман, шаҳар, вилоят, республика шифохоналарига юборилади. Ҳозирги вақтда жамғарма республиканинг 52 та ихтисослаштирилган шифохоналари

билан ҳам шартнома имзоланган. Бу шифохоналарда имтиёзли тоифага кирувчи аҳоли гуруҳига стационар ёрдам кўрсатилади. Бемор бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасидан оилавий шифокор берган йўлланма орқали стационарга келади ва ҳеч қандай ҳақ тўламасдан тегишли тиббий ёрдам олади. Агар беморнинг саломатлиги юқори технология жарроҳликка муҳтож бўлса, даволанганлик ҳолати бўйича жамғармага асословчи ҳужжатлар юборилса, муассасага барча харажатларни тўлаб беради.

Давлат тиббий суғуртаси тизимини амалиётга жорий этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси депутатлари томонидан мунтазам видеоалоқа тарзида йиғилиш ташкил этилиб, Сирдарёда амалга оширилатган ишлар бориши тўғрисида масъулларнинг ахбороти

Тўғри, ҳозирча тизимни яратишга қаратилган механизмлар ишляпти. Тажриба-синов лойиҳаси якунига етгач, натижалар умумлаштирилади, хулосалар чиқарилади, иқтисодий имкониятлар ҳисобланади. Келажакда соғлиқни сақлашнинг янги модели – суғурта тизимининг кенг жорий этилиши ислохотларни янги босқичга олиб чиқади.

Илҳомжон НОРБОВЕВ,
Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг Жиззах вилояти бош мутахассиси.

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБЛАРИ

МЕХНАТИНГИЗ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Ёшим 74 да. Биринчи гуруҳ ногирониман. Давлат ташкилотларида хизмат қилганман. Ёш ўтган сайин саломатлигиндаги ўзгаришлар безовта қилар экан. Тошкент шаҳар Олмазор туманининг Ҳазрати Имом маҳалласи Тарих тор кўчасидаги 51-уйда истиқомат қиламан.

Саломатлигимни тиклаш мақсадида ҳар йили пойтахтимиздаги шифо масканларида даволаниб чиқаман. Мазкур тиббиёт муассасаларига даво муолажалари олишга боргунча, Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда унга қарашли худудимиздаги 14-сонли оилавий поликлиника шифокор ва ҳамшираларига мурожаат қиламан. Керакли тавсия ва маслаҳатларни оламан. Мен шундан хурсандманки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев тиббиётни қўллаб-қувватлаб, унинг доирасида инсон кадрини ва саломатлигини юқори даражаларга кўтармоқдалар. Айниқса, бирламчи тизимга қаратилаёт-

ган эътибор айтиш мумкин бўлмақда. Оилавий поликлиникаларнинг тиббиёт ходимлари хонадонма-хонадон юриб, биз каби кексаларнинг ҳолимиздан хабар олмақдалар. Уйимизда даво муолажаларни ўтказиб, тиббий хизмат кўрсатмоқдалар. Биринчи навбатда фаолиятни тўғри ташкиллаштириш ва аҳолини тиббиётга бўлган ишончини қозониш, ишлар самарадорлигини ошириш кўпроқ раҳбариятга боғлиқ бўлади. Шундай экан,

Қўлларим доимо дуода. Бахтимизга ана шундай қалби пок шифокорларимиз омон бўлишсин. Ҳеч қачон дард кўришмасин.

**Азимхўжа РИХСИХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳри.**

БАХТИМИЗГА
ДОИМО ОМОН БЎЛИНГ

Биз нурунийларнинг саломатлигимизни ўйлаб, гамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга минг бор ташаккур билдираман.

Мана бир неча йилдирки, соғлигимни мустаҳкамлаш мақсадида пойтахтимиздаги шифохоналарда имтиёзли тарзда даволаниб чиқаман. Қайси тиббиёт муассасасида бўлмайгин, у ердаги шароитлар ва тиббиёт ходимларининг муносабати ҳамда кўрсатаётган тиббий хизматлари мени мамнун этади. Яқинда Юнусобод туманидаги 7-сонли шаҳар шифохонасида даволаниб чиқдим. Таъкидламоқчиманки, ушбу шифо масканида даволанувчилар учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Тозалик ва озодалик кўтаринки кайфият бағишлайди, шунингдек, шифокор ва ҳамшираларнинг самимий муносабатлари дардларга даво айлайди. Тезда соғайиб оилам бағрига қайтишда ўз меҳнатларини аямаган, илик муносабатда бўлган шифохонанинг бош шифокори Каримжон Муҳаммадиев ва унинг ўринбосари Улуғбек Кандиев ва олий тоифали невропатолог Динара Миракиловаларга дилимдаги чексиз миннатдорлигимни билдираман. Уларга узоқ-умр, оилавий хотиржамлик ва масъулиятли ишларига ривожлар тилаб қоламан.

**Шухрат МУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳри.**

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

ХАЛҚИМИЗ ФАОЛИЯТИМИЗДАН МАМНУН



Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилаётган соғломлаштириш акциянинг навбатдаги манзили Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида «Соҳил» болалар оромгоҳида бўлди.

Бошқа худудлардаги каби Сурхондарё вилоятида ҳам юрак қон томир касалликлари, айниқса, юрак ишемик касаллиги, гипертония юрак ревматик касаллиги, туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари кўп учрайди. Ўтган 2021 йили вилоят кардиология марказида 800 дан ортиқ юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилган. Қилинаётган акциялардан мақсад, аҳолига кўрсатилаётган кардиологик ва кардиожарроҳлик хизматлари сифатини яхшилаш, худудларда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва самарали даволаш ишларини кенгайтириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, бирламчи тиббиёт муассасалари (оилавий поликлиникалар) томонидан дав-

рий тиббий кўрикларни йўлга қўйиш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, юқори технологик жарроҳлик амалиётларини вилоят, Республика миқёсида операция қилинадиганини танлаб уларни ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига трансформация қилиш, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини зарур дори воситалари билан бепул таъминлаш, худудларда кўрсатилаётган юқори технологик, каминвазив кардиологик ҳамда кардиожарроҳлик тиббий хизматлар қўламини ошириш, бирламчи бўғиндаги мутахассисларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш ва салоҳиятини ошириш, соҳада илм-фанни ривожлантириш, юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини рақамлаштириш, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида

аҳоли билан бевосита маҳаллада ишлайдиган «тиббиёт бригадалари» ва оилавий поликлиникалар ролини тубдан ошириш ҳамда юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлашдир.

Термиз шаҳридаги «Соҳил» болалар оромгоҳида бошланган сайёр тиббий қабул аҳоли билан гавжум бўлди. Узоқ туманлардан келган беморларни пойтахтдан ташриф буюрган

лари раҳбарлари ва шифокорлари кўригига йўналтирилди. Шунингдек, беморлар тиббий муолажага муҳтожлик даражасига кўра таснифланиб, кўрсатиладиган тиббий хизмат ҳажми

Миннатдорлик туйғуси

Дилбар Юлдашева Халқ таълими аълочиси (Бойсун тумани):

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидланганидек, инсонлар соғлом бўлсагина жамиятда тараққиёт ва ривожланиш бўлади. Юртбошимиз тиббиёт ходимларининг очиқ мулоқотида уларга қарата, “Дилларингиз ҳам, қўлларингиз ҳам, либосларингиздек оқ бўлсин” дея ажойиб фикрни билдирдилар. Ана шундай қалби пок, ўз касбига муносиб пойтахтлик шифокорларнинг вилоятимизга таърифи Сурхон аҳлини мамнун этди. Айниқса, сайёр тиббий қабул бошланишида “Саломатлик акцияси”га келган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Беҳзод Мусаев, ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболовлар кўтаринки кайфиятда кутиб олдилар ва улар билан очиқ мулоқотда бўлдилар. Саломатлигидан шикоят қилган беморларга тиббий ёрдамлар кўрсатилиб, тегишли маслаҳатлар берилди. Шу жумладан мен ҳам пойтахтимиздан келган тажрибали шифокорларнинг тиббий кўригидан ўтдим. Айниқса, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказидан келган кардиолог шифокор Бахтиёр Атамуратов қабулида бўлидим. Кейинги пайтда юрагим соҳасидаги оғриқлар безовта қилар эди. Ёш шифокор шикоятларимни эшитгач, керакли маслаҳат ва тавсияларини берди.

Айни кунда муолажаларни оляпман. Аҳволимда ўзгариш бўлди. Минг раҳмат аввало, Президентимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят ҳокимлигига ҳамда бизнинг саломатлигимиз учун узоқ йўл босиб келган пойтахтлик шифокорларга ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдираман.

Тиббий кўриклар доирасида, аҳоли орасида энг кўп учрайдиган юрак ишемик касаллиги, артериал гипертония, сурункали юрак етишмовчилиги, аритмия ҳамда орттирилган ва туғма юрак нуқсонлари бўлган касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш чоралари амалга оширилди. “Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали юқори технологик операцияларга муҳтож беморлар аниқланиб, уларга марказ филиалларида ҳамда туман ва вилоят шифохоналарида маҳаллий шифокорлар билан бирга юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

малакали шифокорлар тиббий кўриқдан ўтказишиб, керакли тавсия ва маслаҳатлар беришди. Саломатлигидан шикояти бор беморлар эса электрон рўйхат асосида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказ-

ва турига қараб туман, вилоят ва республика миқёсида белгилаб олинди. Юқори технологик жарроҳлик амалиётлари талаб этиладиганларга эса шу ернинг ўзида ордер (йўлланма) расмийлаштирилиб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, юқори технологик операцияларга эҳтиёжманд беморларга ўзининг худидида керакли тиббий ёрдам тор мутахассислар томонидан жаҳон стандартларга мос равишда амалга оширилмоқда. Энди беморлар овора бўлиб Тошкент шаҳри ва бошқа чет давлатларга боришмайди.

**Бахтиёр АТАМУРАТОВ,
Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази рентгенэндоваскуляра бўлими интервенцион кардиолог.**

БИРЛАМЧИ ТИЗИМ ФАОЛИЯТИ

ЧЕКСИЗ ТАШАККУРИМНИ ИЗҲОР ҚИЛАМАН

Инсоният бор экан, дунёга келиш, ўздан кўнайиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш, бахтли яшаиш учун ҳаракат қилади, илм излаб, ҳалол меҳнати туфайли, бу ҳаётда обрў-этибор ортиради. Шундай экан, буларни ҳаммаси ўз саломатлигимизга боғлиқ. Саломатлигимиз эса ўз қўлимизда десак, муболага бўлмайди.

Лекин, айрим ҳолларда оилавий юмушлар, иш ташвишлари билан бўлиб, ўз соғлигимизга эътибор қаратмаймиз. Қачонки, дард хуруж қилиб, аҳволимизда жиддий ўзгариш бўлсагина шифокорга мурожаат қиламиз. Ўз касбининг мохир устаси бўлган, тиббиёт ходимлари қабулида бўлганимизда, улар бизни илқик билан кутиб олишади. Дарҳол тиббий текширувлардан ўтказиб, зарурат бўлса, даво муолажалари беришади. Бир сўз билан айтганда, тиббиёт ходими соҳанинг қайси бир йўналишида фаолият юритмасин, унинг касби ниҳоятда машаққатли ва масъулиятлидир. Айниқса, 2022 йилнинг 18 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тиббиёт ходимлари билан “Ўзбекистон тиббиёти – инсон қадри учун” мавзусида олиб борган очиқ мулоқотлари аввало, тизимда фаолият олиб бораётган шифокору, ҳамширалар меҳнатини улуғланганликлари, шунингдек, инсон саломатлигига алоҳида эътибор қаратганликлари соҳа ривожини учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Хоразм вилоятида истиқомат қиламан. Яқинда саломатлигимни тиклаш мақсадида пойтахтимиздаги шифо мақсатларининг бирида даволаниб чиқдим. Шифокорларнинг маслаҳати билан маълум бир муддат Тошкент шаҳрида даво муолажаларимни давом эттиришимга тўғри келди. Қизим Юлдузхон оиласи билан Учтепа туманида истиқомат қилади. Шу ўринда таъкидламоқчи эдимки, Давлатимиз раҳбарининг бирламчи тизимга қаратган эътиборлари туфайли бугунги кунда туман кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникаларда ишлар жуда яхши йўлга қўйилган. Қизим билан Учтепа туман тиббий бирлашмаси марказий кўп тармоқли поликлиникага ташриф буюрганимизда ана шундай эътирофли фаолиятларнинг гувоҳи бўлдим. Мазкур поликлиника 1990 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. 2000 йилда қайта таъмирланиб оилавий поликлиникага айлантирилган бўлиб, туман тиббиёт бирлашмаси ҳам шу бинода жойлашган унга тажрибали шифокор, Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Нигора Саидова раҳбарлик қилар экан. Марказий поликлиникада фуқаролар учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Тиббиёт ходимларининг муомала маданияти қалбнингизга нажот бахш этади. Шунингдек, уларнинг қабулида бўлганингизда, тиббий текширувлар чоғида берадиган маслаҳат ва тавсиялари тиббий маданиятни оширишда алоҳида ўринга эга.

Эътирофлиси шундаки, кейинги пайтларда Президентимизнинг соҳага оид қабул қилаётган меъриий ҳужжатларининг замирида инсон саломатлиги мужассам эканлигини кўрамыз. Кўп тармоқли марказий поликлиникамида ушбу меъриий ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида амалий ишлар йўлга қўйилган. Тажрибали шифокор ва ҳамшираларимиз бу борадаги фаолиятларда ўзининг кунлик иш режасига эга бўлиб, поликлиникада беморларни қабул қилиш билан бир қаторда маҳаллабай тизимида ҳам ишларни давом эттириб келмоқдалар. Айниқса, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтари”, “Ёшлар дафтари”даги оилалар ва сурункали касалликлар бўйича назоратга олинган беморларимизга доимий эътибор қаратиб келмоқдамиз. Тиббий кўриklar ўз вақтида олиб борилади. Шунингдек, бугунги даврнинг талаби бўлган соғлом турмуш тарзи аҳоли орасида кенг татбиқ қилинмоқда. Мақсадимиз инсон қадри ва унинг саломатлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир, дейди Учтепа ту-

ман тиббиёт бирлашмасининг бошлиғи Нигора Саидова.

Мазкур поликлиникада маълум бир вақт муолажаларимни олган бўлсамда, ушбу шифо мақсатларидаги тиббиёт ходимларининг меҳнатлари таҳсинга лойиқлигини кўрдим. Айниқса, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари Феруза Эргашева, терапия бўлимининг бошлиғи Луиза Закирова, олий тоифали шифокор Муқаддас Умарова, терапевт шифокор Наргиза Момутова, ТМЭК бошлиғи, олий тоифали шифокор Дилфуза Шукурова, гинекология бўлими бошлиғи Ўғиллой Ҳамраева, гинеколог Назира Норкулова, кардиолог шифокор Ольга Фомина, малакали хирург Қахрамон Равшанов, невропатолог Нилуфар Ёўлдошева, оилавий шифокорлардан Дилрабо Иримбетова, Татьяна Гаипназаровна, Сабо Нарзуллаева, катта ҳамширалардан Муяссар Зарипова, Шахноза Алимова, Мафрат Султанова, Доно Хусанова, патронаж ҳамширалар Захро Жўраева, Маъмура Қосимова, Наима Маҳмудова, Мухайё Нуртожиева, Нар-

гиза Ҳамидовалар меҳнатини қанчалар эътироф этсамда озлик қилади. Чунки улар ўз касбининг билимдони, касбига садоқат билан ёндошадиган халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қиладиган соҳа ходимлари десам хато бўлмайди. Юқорида номлари тилга олинган кўплаб тиббиёт ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишган. Бу албатта, уларнинг меҳнатларига берилган муносиб рағбатдир. Шунингдек, Ковид-19 даврида катта ҳамшира Маъмура Тўлаганова, рентген ҳамшираси Фарида Шоназарова, стоматология хонаси ходими Чарос Мирабдуллаева, бош ҳамшира Мохира Файзиёва, Муяссар Зарипова тиббиёт бирлашмаси бош шифокори муовини, ҳамшира Феруза Эргашевалар астойдил меҳнат қилишиб, қанчадан-қанча беморлар дардига малҳам бўлишди.

Мен ҳам ушбу марказий кўп тармоқли поликлиникада амбулаторда даво муолажаларини олдим. Аҳволим жуда яхши. Куни кеча Хоразмга оилам бағрига қайтдим.

Шу фурсатдан фойдаланиб, дардимга дармон бўлган ва ўз касбининг билимдони Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Нигора Саидова ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиниканинг малакали шифокорлари ва бир-бирдан чакқон ҳамшираларига ўзимнинг чексиз ташаккуримни изҳор қиламан. Бахтимизга ана шундай оқ халат посбонлари доимо соғ бўлишсин.

Феруза ИБРАГИМОВА,
Хоразм вилояти, Урганч шаҳри.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Запрос коммерческого предложения (ЗКП)

Республика Узбекистан

Проект: Строительство и оснащение современным медицинским оборудованием Республиканских специализированных научно-практических медицинских центров

Закупка специализированного медицинского оборудования для Республиканских специализированных научно-практических медицинских центров (ЗКП №: UZB-4/588/RfQ/02)

Ссылка: Заемное соглашение между Саудовским фондом развития (СФР) и Правительством Республики Узбекистан (UZB-4/588)

ПРОДЛЕНИЕ СРОКА ПОДАЧИ КОММЕРЧЕСКИХ ПРЕДЛОЖЕНИЙ

Настоящим сообщаем на Запрос коммерческого предложения (ЗКП) от 11 апреля 2022 года на закупку специализированного медицинского оборудования для республиканских специализированных научно-практических медицинских центров в рамках вышеуказанного Проекта.

Данное уведомление об изменении срока подачи коммерческих предложений следующим образом:

№ пункта	Документ ЗКП	Документ ЗКП измененный
5	Конечный срок получения Вашего коммерческого предложения по указанному в пункте 3 адресу: 02.05.2022 года, 15:00 часов по ташкентскому времени.	Конечный срок получения Вашего коммерческого предложения по указанному в пункте 3 адресу: 06.05.2022 года, 15:00 часов по ташкентскому времени.
	Вскрытие предложений состоится в присутствии представителей участников торгов, которые пожелают принять в этом участие, по адресу, указанному ниже адресу в 15:10 часов (Ташкентское время), 02.05.2022 года.	Вскрытие предложений состоится в присутствии представителей участников торгов, которые пожелают принять в этом участие, по адресу, указанному ниже адресу в 15:10 часов (Ташкентское время), 06.05.2022 года.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить дополнительную информацию в офисе Группы реализации проекта и ознакомиться с тендерными документами по нижеуказанному адресу с 10.00 до 17.00 часов (по Ташкентскому времени).

Коммерческие предложения, представленные с опозданием, будут отклонены. Предложения в электронном виде не принимаются.

Объединенная группа реализации проектов (ОГРП) при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан

ВНИМАНИЮ: Руководителя ОГРП

Республика Узбекистан, г. Ташкент, ул. Паркентская, 51, 3 этаж, комната 1

Тел. / Факс: +99871 268-25-39 (доп.124)

Эл. почта: sfd.ssmc@gmail.com

ANNOUNCEMENT

Request for Quotations (RfQ)

Republic of Uzbekistan

Construction and Equipping of Specialized Scientific Medical Centers with Modern Medical Equipment Project

Procurement of specialized medical equipment for Republican specialized scientific medical centers RfQ No.: UZB-4/588/RfQ/02

Reference: Loan Agreement between Saudi Fund for Development (SFD) and the Republic of Uzbekistan (UZB-4/588)

EXTENSION OF PRICE QUOTATION SUBMISSION DEADLINE

Hereby we refer to the Request for Quotation (RfQ) dated April 11, 2022 for procurement of specialized medical equipment for Republican specialized scientific medical centers under the above Project.

This is a notification for amendment of the deadline for the submission of price quotations as follows:

Item No.	RfQ document	RfQ document amended
5	The deadline for receipt of your quotation (s) at the address indicated in Paragraph 3 is: 02.05.2022, 15:00 Tashkent time	The deadline for receipt of your quotation (s) at the address indicated in Paragraph 3 is: 06.05.2022, 15:00 Tashkent time
	Quotations will be opened in presence of the bidders' representatives who choose to attend at the address specified below at 15:00 (Tashkent time), 02.05.2022	Quotations will be opened in presence of the bidders' representatives who choose to attend at the address specified below at 15:10 (Tashkent time), 06.05.2022

Interested eligible bidders may obtain further information from the Project Implementation Unit and inspect the bidding documents at the address given below from 10.00 to 17.00 hours (Tashkent time).

Late quotations will be rejected. Quotations in electronic form will not be accepted.

United Project Management Unit (UPMU) under the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan

ATTENTION: Manager of UPMU

51, Parkent str., 3rd floor, room 1, Tashkent, 100007 Republic of Uzbekistan

Tel.: +99871 268-25-39 (add.124)

Email: sfd.ssmc@gmail.com

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 663 нусха. Буюртма Г-440

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.